*күнлери „бәҳәр де шыға қоймады-аў,“ деп налынамыз. Бәҳәр шығыўдан қаўын писикти күсеймиз* [5:282]; *Мен жүремен түни менен, кепшигим қолымда! Сен жүресең жҗурттың уйқлаған қудығы бар ма, жолдың гедир-будыры бар ма, көзиң тинтинип!* [6:133]; *Журттың отын көмегине кетип баратырған ким, Шундый. Дүзде туўып қалған биреўдиң бузаўын үйине апараман деп, шуўға былғанып келип жүрген ким, Шундый. Биреўдин жүўери орағында жүрген ким, Шундый!* [6:133]; *Ишки дәртин достына айтыўға қәўипсинген адам, ҳәммеден қорқып жүреди. Ҳәммеден қорыққан адам узақ жасай алмайды* [4:53].

Жуўмақлап айтқанда, парцелляция қубылысы қарақалпақ тилинде де өзине тән өзгешеликлер ҳәм мүмкиншиликлерге ийе, сөзлердиң қатаң тәртибине ҳәм сөзлердин гәпте бир-бири менен тығыз байланысына қарамастан, қарақалпақ тилинде ҳәр қандай гәпти парцелляциялаўға болады.

**Әдебиятлар**

1. Акыжанова А.Т. Структурные особенности парцеллированных предложений в современном казахском языке // Universum: Филология и искусствоведение: электрон. Научн. Журн. 2014. №3 (5). URL: http://7universum.com/ru/philology/archive/item/1124.
2. Ванников Ю.В. Синтаксис речи и синтаксические особенности русской речи. Изд. 2-е. - Москва : URSS, 2009. –С. 294.
3. Қайыпбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны. Маман бий әпсанасы. – Нөкис: «Билим», 2018, 512-б.
4. Мамбетов К. Бозатаў: Роман ҳәм Повестлер. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1986, 332-б.
5. Сейитов Ш. Ығбал соқпақлары. Роман. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1975, 324-б.
6. Сейитов Ш. Халқабад. Роман. Биринши китап: Шар бузыў. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1977, 324-б.
7. Сейитов Ш. Халқабад. Роман. Екинши китап: Машақатлы асырымлар. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1981, 411-б.
8. Умаров А.А. Двуязычие и взаимовлияние языков : Межвуз. Сб. науч. Тр. / Чуваш. Гос. ун-т им. И.Н.Ульянова; [Редкол.: М.М.Михайлов (отв. Ред.) и др.]. – Чебоксары: ЧГУ, 1990. –С. 107.

**РЕЗЮМЕ**. Мақола ҳозирги қорақалпоқ тилида парцеллятив конструкцияларини ўрганишга бағишланган.
**РЕЗЮМЕ**. Статья посвящена изучению парцеллированных конструкций в современном каракалпакском языке.
**SUMMARY.**The article is devoted to the study of parcelled constructions in the modern Karakalpak language.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ЛИНГВОАРЕАЛ ТАЛҚИНИ

**Ю.М.Ибрагимов** - *филология фанлари доктори, профессор*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар**: этник гуруҳ, шева вакиллари, қўшни ҳудуд, тилларнинг таъсири, тарқалиш ареали, изоглоссаларни белгилаш.

**Ключевые слова**: этническая группа, представители диалектов, сопредельный ареал, влияние языков, определение ареалов, определяющие изогласы.

**Key words:** ethnic group, dialect representatives, neighboring area, the influence of languages, distribution areal, determining isoglasses.

Марказий Осиё республикаларининг чегараси бир халқ вакиллари яшаётган ҳудуд билан белгиланмайди. Ҳар бир республикада турли халқлар вакиллари яшайди. Айрим қишлокларда аралаш ёки ёнма-ён яшаб келадилар. Албатта, бундай шароитда уларнинг тиллари эътибордан четда қолмаслиги лозим. В.М.Жирмунский ушбу масала юзасидан қуйидагиларни таклиф этади: «Ҳар бир миллий республика ҳудудида қўшни миллий гуруҳ ва уларнинг шевалари яшайди, айрим ҳолларда бундай лингвистик тарқоқлик хилма-хил бўлиб кетади. Лингвистик география усулига айланган миллий диалектологик атлас бу ҳодисани рад эта олмайди, негаки ўзаро яқин тил ва шеваларда гапирувчи халқларнинг бундай узоқ йиллар ёнма-ён яшаши натижасида, шубҳасиз, турли тилларда сўзлашувчи кишилар ўртасида мураккаб ва тарихий-қиёсий линг-вистик жиҳатдан ибратли алоқалар амалга оширилади. Ўзбекистоннинг диалектологик атласи унинг ҳудудида қорақалпоқ, қозоқ, туркман ва қирғиз шевалари гуруҳи борлигини таъкидлайди» [1:18-20]. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ўзбеклар шевасини қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа минтақалаги туркий қипчоқ гуруҳи тиллари билан қиёс қилинганда юқорида келтирилган фикр тасдиғини топади. Бир этник гуруҳдан ажралиб чиққан бу халқлар тилида мавжуд ҳозирги айрим фарқлар кейинги пайтлардаги лингвистик жараёнлар мевасидир[1:20]. Марказий Осиёда мавжуд тиллар сифати қанчалик хилма-хил бўлса, улар билан ёнма-ён яшаётган ўзбек тили шеваларининг сифати ҳам шунчалик турли-туман кўринади. Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шевалари хусусиятлари қўшни ҳудудлар шевалари билан лингвогеографик карталаштириш методида талқин этилганда намоён бўлади. Қўнғирот ўзбеклари шевасидан тўпланган материаллар таҳлили кўрсатадики, сўзлардаги иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда **ә(а)** тил олди, очиқ кенг унлига **э(е)** ўрта-кенг унлиси мос келади: *мәллә мәлле, кәлле калла, әпенек апанак* каби. Бу ҳодиса қорақалпоқ тилининг таъсирида юзага келган. Мазкур ҳодиса ўзбек тилининг Самарқанд вил. ғаллаорол, бахмал (Дониёров); Жанубий Қозоғистон туркистон гуруҳи (Мухаммаджонов) шеваларида ҳам сақланиб қолган.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шеваларда морфологик шаклларни қўллашда кўпгина ўзига хос фонетик ҳодисалар, морфологик шакллар, лексик фарқлар, сўз ясаш моделлари ва уларнинг сўз туркуми соҳасида грамматик категорияга қараб картага ўтказилди:

1) эгалик қўшимчаси вазифасини ***–джиги*** форманти бажаради, унинг қўлланилиш доираси кенг эмас: *бари, ҳамма* белгилаш олмошлари таркибида келади; Қорақалпоғистон Республикасининг шарқий ва 1 тур оралиқ шевалар гуруҳида ***-чики***;

2) **мен, сен, ол (у)** кишилик олмошларининг жўналиш келишик шакли: *маңа* менга, *саңа* сенга, *воңа:уоңа* унга қўнғирот: *маған, саған вошыған*; манғ., берн.: *маңа, саңа, уоңа:*тўртк.-элкқ. *мәнгә, сәнгә, ҳуңа* каби.

Қорақалпоғистон Республикасининг ўзбек тили шеваларида ***мен, сен, уол(у)*** кишилик олмошларининг жўналиш келишигида қўлланилиши, вариантлари ва тарқалиш ареали қиёсан талқин қилинди, карталаштирилди. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига тегишли кўпчилик шеваларда *маңа* менга, *саңа* сенга. воңа\уона унга каби. Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек тили қўнғирот ўзбеклари шевасида *маған* менга, *саған* сенга, *уошыған* шунга, ўшага. Фарғона вил. курама, қирқ, қорақалпоқ шеваларида ҳам *маған, саған, уоған;* Самарқанд вил. бахмал, найман, ғаллаорол. *меган:маған, саған:сеған, оған:воған, уоған*[2:44]. Бу шакллари нўғай, татар, олтой, қирғиз, хакас, қўмиқ, қорачай, балқар тилларида ҳам қайд қилинди. Туркийшуносликда *оған* унга: *оңға* **н** ва **ғ** ундошлари метатеза йўли билан ўринларини алмаштирган [3:204]. Э.В.Северттян ***-ған*** бевосита ўзакка қўшилган бўлиб, у тарихан икки таркибли ***–ға, -н*** деб кўрсатади [4:97].

А.Ишаев Севортяннинг фикрини туркий тилларга генетик жиҳатдан яқин ва узоқ қариндош тилларга тегишли маълумотларни қиёслаш орқали тўлдиради [5:49]. Ушбу мақола муаллифи ҳам Э.В.Севортян фикрини маъкуллайди.

Картада Хоразм вилояти Гурлан, Янгибозор туманлари, Туркманистон республика (ТР)си Дошоғуз вилояти Кўҳна Урганч, Губадоғ, Илолли, Дошоғуз туманларида истиқомат қиладиган ўзбеклар қишлоқлари Қорақалпоғистон регионинг номи билан жойлаштирилди. Карталаштириш асносида турли тасвирлар, фигуралар, штрихлардан фойдаланилди. Айрим номлар белги билан тамғаланди. Картани ўқишни осонлаштириш мақсадида бир ўзакли лексемалар бир хилдаги белгилар билан, бир-бирига мос келувчи аффикслар ва сўз шакллари бир хилдаги белги кўринишида берилди.

Лингвистик карталардан шева вакиллари тарихи, этник таркиби, уларнинг шаклланиш жараёнида қатнашган уруғ ва қабилалар иштироки, маданий, маънавий турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари юзасидан йиғилган аниқ маълумотлар тавсиф этилди [6:181]. Картада тўр танлаш асносида диалектал ҳодисанинг бир текислиги сақланди, картадаги тўрнинг тиғизлиги, сиқиқлиги карталанаётган шева воҳелиги соҳибларининг жойлашувига мос келиши ёки келмаслиги синчиклаб ўрганилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шеваларининг лингвистик картасини тузиш ва тасвирлашда УЛА ва ТТДА карталаштириш услуби ҳамда Р.А.Аванесов, Н.А.Толстой, М.А.Бородина, О.Н.Морроховская, Э.Р.Тенишев, Х.Д.Дониёров, Г.Ф.Благова, Н.З.Гаджиева, А.Шерматов, Б.Жўраев, А.Ишаев, Қ.Мухаммаджонов, А.Б.Жўраев ва бошқа олимларнинг лингвистик география соҳасидаги илмий-назарий қарашларига таянилди [7:220].

В.В.Решетов ўзбек диалектологиясида шеваларнинг диалектологик атласини тузиш тамойилларини биринчи бўлиб асослаб берди [8:67-68]. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти туркий ва мўғул тиллар лабораториясида академик Ш.Шоабдурахмонов бошчилигида «Тошкент вилоят ўзбек шевалари диалектологик атласи» тузилди. Бизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шевалари диалектологик атласини тузишда жаҳон ва рус диалектологлари тузган атласлар асқатди [9:47].

Ҳудуд (ареал)ларнинг ўзаро алоқаси лингвистик нуктаи назардан динамик бўлиб, изоглоссаларнинг кириб келиши, тарқалиш ареали, кучлироқ шаклларнинг кучсизроқ шакллар томонга қараб силжиши, адабий тил ва ҳудуд шеваларининг ўзаро алоқада намоён бўлиши, тилларнинг тараққиёт босқичлари ҳақида батафсил баён этилди. Шева чизиқларининг мувофиқлашуви ҳамма жойда бир хил эмас. Марказга қанчалик яқин бўлса, шева чизиқлари шунчалик камроқ, марказдан узоқлашган сари шева чизиғи боғламлари қуюқлашиб бораверади.

Бир қанча лингвистик майдонлар учун жануб-шимол, ғарб-шарқ, марказ- чет каби оппозициялар релавент ҳодиса сифатида қўлланилди. Шевалар гуруҳи доирасида тобе характердаги ҳудудий бирликлар, яъни бир қанча шеваларни бирлаштирувчи микроҳудудлар бир бутун ҳудуд саҳнасида айрим оролчалар кўринишида тавсифланди. Масалан, Чандир қишлоғи (Дошоғуз вилояти) шевасида тадқиқ этилаётган шевалар ва қўшни ҳудудларнинг биронтасида учрамайдиган ўзига хос шева хусусиятлар кузатилди. Бундай ҳолатларни маълум лингвистик адабиёт талқинига кўра эндемик дейилади.

Шеваларнинг типологик яқинлашуви ва гуруҳланишини ифодаловчи изотопия ана шундай қонуниятлардан бири. Бу ҳолатда Қорақалпоғистон Республикасининг шева ва шевалар чизиқлари боғламларининг ареалларга ажралиши объективлашади.

Шеваларнинг жойлашиш ўрни, изоглосларнинг сиқиқлиги, тарқалиш ареали, кесишиш нуқтаси аниқланиб карталаштирилди. Улар асносида Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шевалари учта ареалга ажратиб таснифланди: 1. Ғарбий. 2. Шарқий. 3. Жанубий ёки оралиқ. Ҳар қандай тасниф шартли бўлади. Бизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шевалари таснифимиз ҳам шартлидир.

Лингвистик карталарда белгиланган шевага хос ҳодисаларнинг тарқалиш ареалини тадқиқ этиш, тилларнинг ўзаро алоқасини очиб беради, уларнинг тараққиёт босқичларини нисбатан белгилайди, шевага хос ҳодисаларнинг тарихини тиклайди. Турлича кўринишга эга бўлган ҳудудий шева мазмуни билан уни ифодаловчи шева чизиқлари бир-бирига мос келиб қолганда, уларнинг турли сиқиқлиги ҳақида сўз юритиш жоиз. Шева чизиқларини бирлаштирувчи ва ажратиб кўрсатадитган кўринишларни таҳлил этишда карталарда акс этган объектив маълумотга асосланилди. Лингвистик география соҳасида сезиларли ютуқларга карамай, ҳал этилиши долзарб бўлиб турган масалалар ҳам талайгина. Булар:

1. Кўпгина лингвистик атласларда картага олинаётган объектни акс эттиришда атомар ёндошув кузатилади. Аммо луғат таркибини бундай тадқиқ этиш «маънодан сўзга» ва «сўздан маънога» етарли эмас ва улар янги муаммоларни келтириб чиқаради. «Атомар олинган лексемаларнинг аксарият ҳоллардаги семантик номувофиқлиги, энг аввало, семантик чегарадаги лексемаларнинг дистрибуциясида акс этган лексемалар, бошқа семалар алоқаси ва муқоясаси билан боғлиқ турли шевалардаги бир лексеманинг ҳажми ёки семантик доирасининг турлича кенглиги» мана шундай муаммолар сирасига киради [10:29]. Шундай қилиб, ҳозирги лингвистик география тил омилларининг кўп соҳали тизимли алоқада акс эттиришни кўзда тутади, фақат айрим лексема эмас, балки турлича кўринишдаги микромайдонлар картага олиш ашёси бўлиб қолади [11:3]. О.Н.Мороховская таъкидлаганидек, тадқиқотчилар карталанган маълумот устида ишлаш жараёнида объектнинг мураккаблиги, вариантлилиги, динамизмини идрок этади, турли лексик-семантик гуруҳ орасидаги алоқа кузатилди [11:201]. Аммо ҳудудий (териториал) тилшуносликнинг ареал лингвистикаси кўпгина масалаларни ҳал этиш тарқоқ тизимнинг таркибий-уруғчилик элементларидан чекланган маълумотларга таянишда давом этмоқда.

2. Шеваларнинг семантик ҳодисаларини карталаш лингвистик география учун маълум бир ҳудуд доирасида у ёки бу маъно (сема, семемалар) қай тарзда тарқалганлигини, тадқиқ этилаётган шевалар учун семантик фарқлар ва лексемалар муносабатининг қайси турига хослиги сингари масалалар талқин этилади. Аммо юртимиздаги ва хориждаги ҳозирда маълум бўлган атласларда семантик ҳодисалар жуда чекланган миқдорда карталанган ёки бутунлай ҳисобга олинмаган [12:262]. Агар картада ДБ денотатларни максимал даражада йиққанда лексемаларнинг таркибий-семантик алоқаси тамойили ҳисобга олинса, у қимматли ахборот беради. Атласларда саволларга жавоб пайтида олинган айрим семантик белгиларгина акс этиши «моҳиятига кўра мураккаб бўлган диалектал фарқ содда мазмун сифатида карталанишига» олиб келади [13:180].

3. Халқ шеваларини макон доирасида ўрганиш шевашунослардан денотатнинг барча хусусиятларига доимий эътиборда бўлишини талаб этади. Хусусан, моддий, маиший маданият объектлари (номуналари) номларини (кийим, овқат, бино, хўжалик бинолари, қариндошлик атамалари ва ҳ.к) карталашда турли нолингвистик омилларни ҳисобга олиш зарур. Масалан,

қўшимча этнографик хусусиятга эга бўлган бинони ифодаловчи лексика сезиларли ўзгариш тамойилларини кўрсатиши аниқланди [11:94]. Бундай этнографик маълумотлар лингвогеографиянинг бевосита объекти ҳисобланмасада, карталанаётган материалнинг мазунли ва чуқур баҳолаш элементи сифатида эътиборни тортади. Бу, биринчидан, иккинчидан, этнографик маълумотлар тадқиқ этилаётган лексемалар тарихи ва этимологиясини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Лингвистик география соҳасидаги бошқа муаммолар қаторида қуйидагиларни таъкидлаш муҳим: картографик белгиларнинг кўринишидаги шева ҳодисаларини ифодалашдаги формализм; шева чизиқларини талқин этишга тортилган ички лингвистик ахборотнинг етарли эмаслиги; тизим элементларининг ҳозирги холати ёки генезисини ўрганиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ареал тасдиқларнинг мавжуд эмаслиги [14:10].

Шундай қилиб, лингвистик карталаш ва унинг натижаларини талқин этишда замонавий ва самарали услуб ҳамда усуллардан фойдаланиш талаб қилинади. «Карталаш объектининг комбинацион мураккаблигининг ортиб бориш тамойили, уни таркибий элементлар орасидаги муносабати кўпгина изолексема ва изосемаларни типологиялаштириб бўлмайди.

Лингвистик география вазифаларни ҳал этиш теранлиги маълум даражада таҳлил учун танланган лингвистик материалнинг қадимийлигига боғлиқ. Шева лексикасининг мавзу гуруҳи объектни кузатиш учун муҳим, негаки унинг кўпчилик таркибий қисмлари архаиклиги билан ажралиб туради ва қадимий ҳудудий лексик оппозицияларнинг пайдо бўлишига имкон яратади.

Юртимиздаги лингвистик география мактаби олимлари лингвистик шева ҳудудларининг қатор турларини аниқлади. Айрим умумлашмалар билан уларни шева шакли, жойлашган ўрни ва «тўкислиги» ҳисобга олинадиган тизимга мувофиқлаштирилди. Тегишли иерархия қуйидаги шева ҳудудлари номларини ўз ичига олади: яхлит, бўлинган, орол, марказий, маргинал ва ҳакоза.

Шундай қилиб, ушбу ишнинг картачилик қисмига ўта туриб, биз кенг диалектологик маълумотга эга бўлдик. Улар камроқ хато билан фонетик, морфологик лексик-семантик хусусиятларни лингвистик карта тилига ўтказиш имконини яратди ва шеваларнинг тарқалиш ареалини аниқлашга йўл очди.

У ёки бу товуш хусусиятларига кўра: *чәгә:чәге:чийә* қумли дала; *йетик:иэтик:әдик* этик каби бир-бирига таққосланувчи ва у ёки бу даражадаги аниқ лингвогеографик кўрсаткичларга эга бўлган лексик ўхшаш элементлар карталаштирилди. Лингвистик картада белгиланган пунктлар орасидаги масофа, яъни тўр қалинлиги тадқиқ қилиш учун бир хилда эмас, бунга тил соҳибларининг географик макон ва замонда бир текисда жойлашмаганлигидир. Жойларда аҳолининг тиғиз жойлашуви ва шева фарқлари карталардаги чизиқларнинг ҳам тиғиз тортилишига сабаб бўлади.

Картада фонетика бўйича сўз бошида келган ўрта кенг **о(ў), ө, э(е)** унлиларининг дифтонглашиш ҳодисаси карталаштирилди: хўжайли-қўшғирот – хўж.-қўнғ.) хўж-қўнғ.: во - *вөрмәжәк* ўргумчак, *вөзәк* ўзак, *вөтирик* ёлғон, *вотын* ўтин, *ворақ* ўроқ, *воқлав* ўқлоқ. *вочақ* ўчоқ; (гурлан-беруний – гурл.-берн) :гурл.-берн.: *үөрмәжәк*, *үөзәк*, *үөтирик*, *уотын*, *уорақ*, *уоқлав*, *уочақ* ва ҳ [15:269].

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзбек шеваларидан йиғилган маълумотларни қиёсий-тарихий, лингвогеографик усулда талқин этиш натижасида бошқа ҳудудлардаги шевалар билан бирлаштирувчи, таснифловчи лингвистик ҳодисалар аниқланиб, уларнинг узоқ уруғчилик даврдаги тараққиёт жараёни босқичлари, форс-тожик тилларидан, кейинчалик қорақалпоқ, қозоқ, туркман тиллари ҳамда шеваларнинг ички тараққиёт таъсирида содир бўлган ўгаришлар карталаштирилди.

**Адабиётлар**


1. Жирмунский В.М. О диалектологическом атласе тюркскиих языков Советского Союза. //Вопросы языкознания. 1963. №6. -С-18.
2. Мухамаджанов Қ. Ареальная характеристика узбекских говоров Южного Казахстана: Автореф. дисс д-ра. наук. -Ташкент: 1988. –С.44.
3. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских яэыков. -Л.: «Наука» -С. 204.
4. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Гласных. –М.: «Наука», 1974. -С. 97
5. Ишаев А. Манғит шеваси морфологиясидан материаллар. АТМ. 4-китоб. -Тошкент: 1962, 49-б.
6. Авенесов Р.И. Заключетельное слово на кардианоционно посвещании по вопросам диалектологии тюркских языков. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков». –Баку: 1958, -С. 181.
7. Джураев А.Б. Теоритеческие основы ареального исследования узбекоязычного массива. –Ташкент: «Фан», 1991, -С.220.
8. Решетов В.В. О диалектологическом атласе узбекского языка, «Тезисы докладов II Регионального совещания по диалектологии тюркских языков».- Казань:1958. –С. 67-68.
9. Бородина М.А. Ареалогия и некоторые вопросы романского языкознания. // Вопросы языкознания. 1975 Т.2. -С.47-61.
10. Толстой Н.И. Из опытов типологического исследования славянского словарного состава. //Вопросы языкознания. 1963. №4. -С. 29-45.
11. Мороховская О.Н. Формирования названий жилых построек в русском языке. //Общий славянский лингвистический атлас. Материалы и исследования. –М.: 1980. –С. 3-96.
12. Толстой Н.И. Славянская географическая терминология: Семасиология. Этюды. –М.: «Наука», 1969. -262.
13. Кармакова О.Б. Лексическая карта: Методы составления и интерпритация. //Русские диалекты. Лингвист. Аспект. –М.: 1987. –С.180-192.
14. Гриценко Н.Ю. Лексическая система говор в картографирования. Украинска диалектна лексика. –Киев: 1997. -С.10-21.
15. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. -Ташкент: «Фан», 1967. –С. 269.



**РЕЗЮМЕ.** Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзбек шеваларидан тўпланган материалларни бошқа ҳудудлардаги туркий тиллар ва шевалари билан таққослаб, уларнинг ички тараққиёт таъсирида содир бўлган ўзгаришлар лингвоареал аспектда тавсиф этилди.

**РЕЗЮМЕ.** Путем сравнения материалов, собранных с узбекских диалектов Республики Каракалпакстан, с тюркскими языками и диалектами других регионов, в лингвоареальном аспекте описаны изменения, произошедшие под влиянием их внутреннего развития.

**SUMMARY.** By comparing the materials collected from the Uzbek dialects of the Republic of Karakalpakstan with the Turkic languages and dialects of other regions, the changes that took place under the influence of their internal development were described in the linguoareal aspect.